

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

«Хонқа don mahsulotlari» акциядорлик  
жамияти вакилдорларининг 2016 йил  
21 июлидаги йиғилиши томонидан.



**«Хонқа don mahsulotlari» акциядорлик жамияти  
Санок комиссияси тўғрисида  
НИЗОМ  
(янги тахрирда)**

## I. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

1. Ушбу Низом "Хонқа don maxsulotlari" акциядорлик жамияти (кейинги уринларда - жамият) Санок комиссиясини (кейинги уринларда матнда "Санок комиссияси" деб юритилади) ташкил этиш, йиғилишини ўтказиш ва йиғилишда қарорлар қабул қилиш, овозларни ҳисоблаш билан боғлиқ масалалар бўйича меъёрларни белгилаб беради.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги уринларда - Қонун) ва Жамият Устави асосида ишлаб чиқилган.

3. Санок комиссияси акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органларидан бири ҳисобланади.

## 2. САНОҚ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ВА ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

4. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилади, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

5. Санок комиссияси таркиби камида уч кишидан иборат бўлади. Санок комиссияси таркибига жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди курсатилган шахслар киритилиши мумкин эмас.

6. Санок комиссияси ваколатларининг муддати у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли йиғилиши (йиллик, ёки навбатдан ташқари) томонидан санок комиссиясининг янги таркиби сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиш пайтида Санок комиссиясининг бир ёки бир неча аъзоси ҳозир бўлмаганлиги ҳолларида, жамият Кузатув кенгаши Санок комиссияси таркибига янги аъзо номзодини киритади ёки акциядорларнинг тегишли (йиллик ёки навбатдан ташқари) умумий йиғилиши томонидан кейинчалик тасдиқлаш йўли билан Санок комиссиясини тузади.

7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик куриш пайтида Санок комиссияси Кузатув кенгашининг (ёки, йиғилишни чақираётган шахсларнинг) топшириғига кўра қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

-акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга булган акциядорларни қайд этиш рўйхатини тузади;

-овоз бериш бюллетенларини ва акциядорлар умумий йиғилишининг бошқа материалларини тайёрлайди.

8. Акциядорлар умумий йиғилишида Санок комиссияси қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

-умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказиши;

-ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;

-овоз бериш бюллетенларини беради ва берилган бюллетенларнинг ҳисобини юритади, шунингдек акциядорларга умумий йиғилишнинг бошқа ахборот(материаллар)ини беради.

9. Санок комиссияси:

-акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор, ёки йўқлигини аниқлайди;

-акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради;

- овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;
- овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди;
- овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради;
- овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;
- овоз бериш яқунларини акциядорларнинг овоз бериш утказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттиради;
- овоз бериш бюллетенларини жамиятнинг архивига топширади.

### **3. ОВОЗ БЕРИШ БЮЛЛЕТЕНЛАРИ ЁРДАМИДА ОВОЗ БЕРИЛГАНИДА ОВОЗЛАРНИ САНАБ ЧИҚИШ ВА ОВОЗ БЕРИШ ЯҚУНЛАРИ БЎЙИЧА БАЁННОМА ТУЗИШ**

10. Овоз бериш бюллетенлари ёрдамида овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини колдирган бўлса, уша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Юқоридаги талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир неча масала акс этирилган бўлса, бир ёки бир неча масалага нисбатан юқорида курсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб ҳисобланишига сабаб бўлмайди.

11. Санок комиссияси овоз бериш яқунлари бўйича баённома тузади. Баённома санок комиссиясининг аъзолари ёки комиссия вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланади.

12. Овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан сўғичланади.

13. Санок комиссиясининг баённомаси йиғилишнинг маҳсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасига тикиб қўйилиши зарур.

14. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга, ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар уртасида тақсимлашга ҳақли.

Давлат вакили лавозимига кура жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлади, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланмайди (қайта сайланмайди).

15. Кумулятив овоз бериш ва берилган овозларни ҳисоблаш тартиби қуйидагича амалга оширилади:

Жамият уставига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари сонини 7 киши этиб белгилангани ҳолда Давлат вакилини акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланмаслиги сабабли, Кузатув кенгаши аъзолигига 6 киши сайланиши керак бўлади;

Кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш учун 8 та номзод бўйича таклиф киритилганида умумий йиғилиш томонидан бюллетен орқали овоз бериш натижасига кура энг кўп овоз олган 6 та номзод Кузатув кенгаши аъзолигига сайланган ҳисобланадилар;

Бунда, Кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш учун сайлов бюллетенига 8 та номзоднинг фамилияси киритилади;

Акциядор узининг акциялари сонини кузатув кенгашига сайланиши лозим булган шахслар сонига купайтиради (агар, акциядор да 30 000 дона овоз берувчи акциялар бор булса, у холда:  $30\ 000 \times 7 = 210\ 000$  та овоз;

Овоз беришда акциядор узига тегишли 210 000 та овозни Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлардан бирига ёки бир нечтасига булиб овоз бериши мумкин.

16. Овоз бериш вариантлари куйидагичадир:

**1- овоз бериш варианты**

	<b>Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар</b>	<b>Акциядор томонидан берилаётган овозлар сони</b>
1	Биринчи номзод	210 000
2	Иккинчи номзод	-
3	Учинчи номзод	-
4	Туртинчи номзод	-
5	Бешинчи номзод	-
6	Олтинчи номзод	-
7	Еттинчи номзод	-
8	Саккизинчи номзод	-

**2- овоз бериш варианты**

	<b>Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар</b>	<b>Акциядор томонидан берилаётган овозлар сони</b>
1	Биринчи номзод	30 000
2	Иккинчи номзод	30 000
3	Учинчи номзод	30 000
4	Туртинчи номзод	30 000
5	Бешинчи номзод	30 000
6	Олтинчи номзод	30 000
7	Еттинчи номзод	30 000
8	Саккизинчи номзод	-

**3- овоз бериш варианты**

	<b>Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар</b>	<b>Акциядор томонидан берилаётган овозлар сони</b>
1	Биринчи номзод	70 000
2	Иккинчи номзод	70 000
3	Учинчи номзод	70 000
4	Туртинчи номзод	-
5	Бешинчи номзод	-
6	Олтинчи номзод	-
7	Еттинчи номзод	-
8	Саккизинчи номзод	-



**«Хонка дон махсулотлари»  
акциядорлик жамияти**

**акциядорларнинг 2016 йил  
30 июлдан бери янгилиши томонидан  
ТАСДИҚЛАНГАН**



**«Хонқа дон махсулотлари» акциядорлик жамиятининг  
Ижро этувчи органи тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низом «Хонқа дон махсулотлари» акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини тайинлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади. Ижро этувчи орган деганда яккабошчилик киладиган ижро этувчи орган (директор), коллегиял ижро этувчи орган (бошқарув, дирекция), тушунилади. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра ижро этувчи орган ваколатлари шартнома бўйича, шу жумладан танлов асосида тижорат ташкилотига (бошқарувчи ташкилот ёки якка тартибдаги тадбиркорга (бошқарувчига) берилиши мумкин. Агар жамият уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, шартнома шартлари Кузатувчи кенгаш томонидан белгиланади.

1.2. Низом «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва «Хонқа дон махсулотлари» акциядорлик жамиятининг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**II. Акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органини тузиш тартиби**

2.1. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг сон таркиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланадиган тартибда қабул қилинган маъмурий-ҳужалик харажатлари сметалари асосида ва доирасида жамиятнинг Кузатувчи кенгаши томонидан белгиланади.

2.2. Акциядорлик жамиятининг Ижро этувчи органи раҳбари ва унинг шахсий таркиби, агар жамият уставида ушбу масалаларни ҳал этиш жамият Кузатувчи кенгаши ваколатига тегишли деб топилмаган бўлса, жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан сайланади (тайинланади, ёлланади ва хоказо). Жамият уставига мувофиқ ёки тегишли равишда Акциядорлар умумий йиғилиши ёки жамият Кузатувчи кенгашининг қарорига кўра якка бошчилик қилувчи ижро этувчи орган, коллегиял ижро этувчи орган раҳбари танлов асосида тайинланиши мумкин.

2.3. Ижро этувчи орган аъзолигига номзодлар кўриб чиқилганда ва тасдиқланганда қарор оддий кўпчилик овоз билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки Кузатувчи кенгаш томонидан қабул қилинади.

2.4. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатувчи кенгаш томонидан шахсий тартибда амалга оширилади. Ижро этувчи орган аъзолигига номзод жамиятга ўзи жинойий жавобгарликка тортилганлиги фактлари тўғрисида маълум қилиши шарт;

Ижро этувчи орган таркибига у ёки бу номзодни тавсия этар экан Кузатувчи кенгаш раиси контракт тузиш шартлари, бошқарув фаолияти учун мукофотлаш микдори ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган контракт тузишга номзоднинг розилиги туғрисида ахборот беради.

2.5. Акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи аъзолигига номзодлар узларининг номзодлари куриб чиқилаётганда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ёки Кузатувчи кенгаш мажлисида қатнашишлари мумкин.

2.6. Ижро этувчи орган таркибига таклиф қилинган номзодлар Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатувчи кенгаш томонидан маъқуллангандан кейин якка бошчилик қилувчи ижро этувчи орган, коллегиял ижро этувчи органнинг раҳбари ва ҳар бир аъзоси билан тегишли лавозим бўйича мажбуриятларни бажариш юзасидан контракт тузилади. Якка бошчилик қилувчи ижро этувчи орган ва коллегиял ижро этувчи органнинг раҳбари билан контракт уни узайтириш ёки тухтатиш мумкинлиги туғрисида ҳар йили қарор қабул қилинган ҳолда бир йил муддатга тузилади. Шартномани жамият номидан Кузатувчи кенгаш раиси ёки Кузатувчи кенгаш томонидан вакил қилинган шахс имзолайди.

2.7. Акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи раҳбари акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органида бўш лавозим бўйича Кузатувчи кенгашнинг келгуси мажлисигача булган муддатда вақтинча вазифаларни бажариш учун бирорта мутахассисни қўйиш ҳуқуқига эга.

2.8. Акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи аъзоси акциядорлик жамиятнинг Уставини, шунингдек контракт шартларини бузганлиги учун бир вақтнинг узида контракт бекор қилинган ҳолда эгаллаб турган лавозимидан чақириб олинади. Акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи аъзосини чақириб олиш ва у билан тузалган контрактни бекор қилиш ҳақидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши ёки агар жамият уставида унга бундай ҳуқуқ кўпчилик овоз билан берилган бўлса, Кузатувчи кенгаш томонидан қабул қилинади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланадиган ижроия органи таркибига кирган шахснинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, жамият кузатув кенгаши қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишигача булган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

Кузатувчи кенгаш якка бошчилик қилувчи ижро этувчи орган, жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи раҳбари билан тузилган шартномаларни, улар томонидан қўпол бузилишларга йўл қўйилганда ёки жамият йиллик бизнес-режасининг тасдиқланган параметрлари бажарилиши барбод қилинганда муддатидан олдин тухтатиш ҳуқуқига эгадир.

### **III. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг ваколатлари ва таркиби**

3.1. Жамиятнинг ижро этувчи органи ваколатига жамиятнинг жорий фаолияти раҳбарлигининг барча масалалари киради, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатувчи кенгашнинг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

3.2. Ижро этувчи органнинг сон таркиби бошқарув вазифалари бир ходим томонидан имкони борича кўп бажарилиши, бошқарув аппаратини қисқартириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда бир-бирини такрорловчи бўғинларнинг тугатилиши ва у билан боғлиқ бошқарув харажатларининг қисқариши принципларидан келиб чиқиб белгиланади.

3.3. Акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органига:

- ижро этувчи орган раҳбари уринбосари, молиявий фаолият, маҳсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича директор, бош бухгалтер, ишлаб чиқариш бўйича директор ва бошқа бош мутахассислар;



- асосий ишлаб чиқариш бўлинмаларнинг раҳбарлари бўлган бошқарувчилар;
- акциядорлик жамияти фаолиятининг муҳим йўналишларини таъминловчи бошқа мутахассислар кириши мумкин.

3.4. Ижро этувчи орган аъзолари лавозим йуриқномаси томонидан белгилаб берилган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат контракти шартлари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, жамият Кузатувчи кенгашининг, ижро этувчи органнинг қарорлари ва ижро этувчи орган раҳбарининг курсатмалари доирасида иш тутади.

Якка бошчилик қилувчи ижро этувчи органни, жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи раҳбари ва аъзоларини моддий рағбатлантириш жамият фаолияти самарадорлигига қараб амалга оширилади.

3.5. Акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи раҳбари мазкур Низомга мувофиқ акциядорлик жамияти фаолиятидаги ўзгаришлар ва бошқа ҳолатлар муносабати билан акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи таркибига қўшимча номзодлар буйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

#### **IV. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг раҳбари**

4.1. Ижро этувчи орган раҳбари кейинчалик Акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган ҳолда Кузатувчи кенгаш қарори билан тайинланади. Акциядорлик жамияти номидан Кузатувчи кенгаш раиси билан ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузади.

4.2. Ижро этувчи орган раҳбари акциядорлик жамияти фаолиятининг барча масалаларини мустақил равишда ҳал қилди, Умумий йиғилиш ёки Кузатувчи кенгашнинг ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

4.3. Ижро этувчи орган раҳбари:

- акциядорлик жамияти номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;
- акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошқа ҳужжатлари билан олдиндан келишган доираларда унинг мол-мулки ва пул-маблагларини тасарруф қилиш.
- шартномалар ва контрактлар, шу жумладан меҳнат шартнома (контракт)лари тузиш;
- ишончномалар бериш;
- банкларда ҳисоб-китоб счётлари ва бошқа счётлар очиш;
- ўзига буйсунувчи барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар ва курсатмалар бериш;
- ходимлар штатини тасдиқлаш, уни бутлаш ҳуқуқига эгадир.

4.4. Ижро этувчи орган раҳбарининг вазифалари:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатувчи кенгашнинг мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари;
- Акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият Кузатувчи кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш бирликлари, цехлар ва жамиятнинг бошқа таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
- жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

- жамиятии ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
- жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;
- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини таъминлаш, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилиши, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти туғрисидаги маълумотлар тақдим этилиши, Ижро этувчи органнинг раҳбари йилнинг ҳар чорагида йиллик бизнес-режа бажарилишининг бориши туғрисида Кузатувчи кенгашга ҳисобот беради;
- жамиятнинг молиявий-хужалик фаолияти туғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг Кузатувчи кенгаши, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига қура тусиқларсиз тақдим этилиши;
- давлат статистика ҳисоботи тегишли органларга тулиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларнинг сақланиши, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса, жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Кузатувчи кенгаш томонидан белгиланади;
- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
- жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи мажлисларни ўтказилишини ташкил этиш, жамият номидан ҳужжатларни ва ижро этувчи орган мажлиси баёнларини имзолаш;
- жамиятни ихтисослашган ходимлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини куриш;
- меҳнат ва технология интизомига риоя қилиниши;
- ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини таъминлаш ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш;
- жамоа музоқораларида ижро этувчи орган вакилларининг иштирокини таъминлаш. Жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашиш. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати туғрисидаги ахборотни Акциядорларнинг умумий йиғилишига ва жамиятнинг Кузатувчи кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;
- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ахборотлар улар томонидан олиниши, Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва туланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш.

4.5. Ижро этувчи орган раҳбарининг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари контрактда у билан олдиндан келишиб олинади.

## **V. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг иш тартиби**

5.1. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади. Ижро этувчи орган томонидан Кузатувчи Кенгаш ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган



масалалар мажбурии тартибда акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг фикри ҳақида Кузатувчи кенгашда ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида ижро этувчи орган раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган ижро этувчи орган аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.

5.2. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг мажлисини ижро этувчи орган раҳбари ёхуд қуриб чиқилаётган масалалар тегишлилиги бўйича унинг уринбосарларидан бири олиб боради.

5.3. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи котиби акциядорлик жамияти ижро этувчи органи мажлислари баёнлари юритилишини ташкил этади.

Ижро этувчи орган мажлислари баёнларидан кучирмалар:

мажбурий тартибда Кузатувчи кенгаш раҳбарига ва тафтиш комиссияси раҳбарига; бошқа мансабдор шахслар ва аудиторларнинг талабига қура фақат ижро этувчи орган раҳбарининг рухсати бўйича;

амалдаги қонун ҳужжатлари томонидан назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларга ва корхонларга (шу жумладан давлат органларига) берилади.

## **VI. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи аъзоларининг жавобгарлиги**

6.1. Агар ижро этувчи орган аъзоси акциядорлик жамияти томонларидан бири ҳисобланган битишувдан молиявий манфаатдор бўлган тақдирда, у қарор қабул қилингунча ўзининг манфаатдорлиги туғрисида хабар беришга мажбур ва овозга қўйилганда қатнашмайди.

6.2. Ижро этувчи орган аъзолари уларга хизмат мавқеи билан берилган ҳуқуқлардан ўзлари меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадлари манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари керак.

6.3. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи аъзолари акциядорлик жамияти мол-мулкани тасарруф қилишдан шахсий фойда қуриш бўйича ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги керак.

6.4. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг аъзолари аъзолик даврида фаолияти акциядорлик жамияти маҳсулотларини сотиш ёки хизматлар тақдим этишда қийинчилик туғдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Ижро этувчи орган аъзоси акциядорлик жамиятида лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиш туғрисида акциядорлик жамияти Кузатувчи кенгашини хабардор қилмоғи лозим.

6.5. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ акциядорлик жамиятига етказилган зарарни қоилаш бўйича тўлиқ ҳажмида акциядорлик жамияти олдида жавоб берадилар.

6.6. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки жамиятга зарар етказишга олиб келган қарорга қарши овоз берган ижро этувчи орган аъзолари жавоб бермайдилар.

6.7. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларни қоплаш туғрисида ижро этувчи орган аъзоларига ёки акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг айрим аъзоларига нисбатан даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.